

## **МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНОТ - БУ СИФАТ ГАРОВИ**

*Жиззах политехника институти*

**Бадалов Номоз Журабоевич**

**Tel:** +998903110662,

**Gmail:** nomozbadalov@gmail.com

**Аннотатция:** Ишлаб чиқаришда метрологик таъминотнинг мақсади маҳсулотнинг яратилиши ва фойдаланиш даврининг ҳамма босқичларида сифатни ва бозор муносабатлари шароитларида унинг рақобатбардошлиқ қобилиятини оширишдан иборат. Ишлаб чиқаришда метрологик таъминот даражаси маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига бевосита таъсир этади, бу таъсир самарадорлигини ошириш мақсадида метрологик таъминот масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

**Калит сўз:** метрология, стандарт, маҳсулот, агергат, детал, ўзаро алмашувчанлик, сифат, объектив, меъёрий хужжат, сертификат, бозор, техника, технология, ўлчаш, синов воситаси, ўлчаш васитаси.

Метрологиянинг ривожланиш бу ўлчашлар ҳақидаги фаннинг тарихи минглаб йилларни ташкил этади. Ривожланиш даври унинг мазмуни ва моҳиятига асосланган ҳолда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин, яъни антик ривожланиш даври, стихияли ривожланиш даври, метрик тизимнинг жорий этилиши, метрология хизматларининг интегратсиялашиш даври, Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги ривожланиши ривожланиши босқичларидан иборат [1].

Антик ривожланиш даври. Ўлчашларга бўлган эҳтиёж қадим замонларда юзага келган. Ўлчаш-атамасининг том маъноси бўйича таҳлил этадиган бўлсақ, қадимги даврда инсоният асосан, органолептик ўлчашлар-яъни, ўзининг ҳис этиш аъзолари орқали у ёки бу физикавий хоссаси бўйича тахминий маълумотлар олган. Бунда мана шу ҳис этиш органлари ўлчаш воситаси вазифаларини бажарган. Бу каби ўлчашларда аниқ бир қиймат олинмаса ҳам, ҳар бир ўлчашда, аниқроғи баҳолашда муайян бир ўлчовга нисбатан солиштириш амалга оширилган. Дастреб, солиштириш ўлчови моддий бўлмаган, балки инсоннинг ўз тажрибаси, заковати ва атроф-муҳитни билиш даражасига қараб индивидуал тарзда белгиланган. Инсон кундалик ҳаётида ҳар хил катталикларни, масофаларни, ер майдонларининг юзаларини, жисмларнинг ўлчамлари ва

массаларини, вақтни ўтиш жараёнларнинг юзага келиш сабабларини, манбаларини билмасдан, ўзининг сезгиси ва тажрибаси асосида ўлчай бошлаган.

Ишлаб чиқаришда метрологик таъминотнинг асосий мақсади маҳсулотнинг яратилиш ва фойдаланиш даврининг ҳамма босқичларида сифатни ва бозор муносабатлари шароитларида унинг рақобатбардошлиқ қобилиятини ошириш, агрегатлар, қисмлар, деталларнинг ўзаро алмашинувчанигини таъминлаш, ўлчаш натижаларининг керакли аниқлиги, объективлиги ва ишончлигини таъминлаш асосида илмий-тадқиқот ва тажрибавий лойиҳалаш ишлари ҳамда синовлар унумини ошириш, савдо-сотик ва ахолига майший хизмат қўрсатиш билан боғлиқ ўлчов ишларини бажариш, соғликни сақлаш, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал қилишдан иборат бўлган [2].

Ишлаб чиқаришда метрологик таъминот даражаси маҳсулотнинг сифат қўрсаткичларига бевосита таъсири этади, бу таъсири самарадорлигини ошириш мақсадида метрологик таъминот масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Метрологияда белгиланган ҳуқуқий тартиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ўлчаш натижаларининг ишончли бўлмаганлиги туфайли салбий оқибатлардан ҳимоя қилиши, ўлчаш воситаларини ишлаб чиқариш, таъмирлаш, сотиш ва ижарага бериш масалалари бўйича давлат бошқарув идоралари ва хўжалик субъектлари орасидаги муносабатларни йўлга қўйиши, Ўзбекистон Республикасининг ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларида ўлчашлар бирлигига ва талаб этилган аниқликга эришишни таъминлаш асослари ва шароитларни яратиши, ўлчашлар бирлигини таъминлаш миллий тизимнинг қоидалари ва тадбирларини, ҳалқаро ҳамкорликда техникавий тўсиқларни бартараф этиш мақсадида ҳалқаро ташкилотларни ва бошқа давлатларни шунга ўхшашиб тизимларининг тавсиялари билан уйғунлаштириши, метрология фаолияти соҳасида ҳалқаро ва минтақавий миқёсда ҳамкорликни таъминлаши, ўлчашлар, қиёслаш, калибрлаш, синаш, сертификатлаштириш ва метрологик идораларни ва хизматларни аккредитлаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисидаги давлатлараро битимларни бажариш учун шароитларни яратиши, хўжалик субъектлари даражасида агентлиги талабларини сифат тизимларини, ҳамда корхоналар ва ташкилотларда амал қилаётган бошқа тизимларнинг талаблари ва қоидалари билан уйғунлаштириш мухим хисобланади [3].

Ишлаб чиқаришда метрологик хизмат бўйича, яъни Ҳалқаро бирликлар тизимини жорий этиш ва унга риоя қилиш асосида ва техник жихатдан тартибга солиши агентликнинг метрологик меъёрлари, қоидалари ва тадбирларини, ўлчашлар бирлигини таъминлаш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва аккредитлаштириш бўйича ҳалқаро ташкилотлар ва миллий тизимлар тавсияномалари билан уйғунлаштириш асосида Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро муносабатларини ривожлантиришга қўмаклашиши, ўлчашлар

бирлилигини таъминлаш, талаб этилган аниқлигига эришиш, ишончлилигини таъминланиши, ҳамда ўлчаш услубларини, ўлчаш воситаларини, унумдорлиги ва ишончлилигини оширишни мукаммаллаштириш асосида илмий ва техникавий унимдарлигини ошириш, миллий иқтисодни ривожлантиришда қатнашиши, бозор муносабати шароитларида ўлчашларни маъқул бўлган тартибда ташкил этиш ва маҳсулот яратишнинг барча босқичларида метрологик таъминотни таъминлаш асосида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, жамоат манфаатларининг барча соҳаларида амалга ошириш, шу жумладан савдо, соғлиқни сақлаш, меҳнат хавфсизлигини, маҳсулот ва технологияларни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолларда ўлчаш натижаларининг керакли ишончлилик билан ўрнатиш ва таъминлашни юридик ва ҳукуқий асосларини яратиши мухим ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида метрологик таъминотнинг мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш турли соҳаларда ва мулк шаклидаги барча даражадаги хўжалик субъектларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатни халқ хўжалиги мажмуасини метрологик таъминлаш йўли билан бажарилишини амалга ошириш мухим ҳисобланади. Шунингдек катталик бирликларининг давлат этalonларини ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини яратилишини мукаммаллаштириши, катталик бирликларининг ўлчамларини этalonлардан барча ўлчаш воситаларга узатишни меъёрларини ва қоидаларини белгилаш мақсадида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказиши маҳсулотлар ишлаб чиқаришда мухим ўрин тутади [4].

Ишлаб чиқариш корхоналарида метрологик таъминотда ўлчашлар бирлигини таъминлашнинг асосий низомлари, қоидалари, талаблари ва меъёрларини стандартлаштириш, ҳуқуқий, меъёрий ва услубий асосини яратиш ва сақлаб туриши, корхонанинг ишончсиз ўлчашларнинг салбий оқибатидан ҳимоя қилишни таъминлаш учун метрологик меъёрлар ва қоидаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши, фан, маълумот ва ахборотлардан ҳамда метрологик идоралардан, техникавий, меҳнат ва моддий-молиявий манбалардан ташкил топган метрологик инфера тузилмасини тузиш ва бошқаришдан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида метрология бўйича ҳудуд ва тармоқлараро координациялаш фаолиятини, метрологик қоидаларини белгилаш, тасдиқлаш, сақлаш ва ўлчов бирликларининг этalonларини қўлланилишини, ўлчаш воситалари, услублар ва ўлчаш натижаларига умумий метрологик шартларни аниқлаш аниқлаш лозим.

Ишлаб чиқаришда метрологик назоратни амалга ошириш, хизмат кўрсатиш идоралари билан биргаликда метрология масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилишни йўлга қўйиш зарур бўлади. Метрология бўйича илмий ва муҳандис-техник кадрларни малакасини ошириш, ўлчашлар

бирлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштириш ишларини, Ўзбекистон Республикасининг миллий стандарлари бўйича давлат метрологик текширув ва назоратини корхоналарда амалга ошириш мухим. Ўлчаш информациясига нафакат миқдор бўйича талаблар, балки сифат бўйича ҳам талаблар қўйилади. Ўлчашнин аниқлиги, ишончлилиги, самарадорлиги каби тавсифлардан иборат бўлади.

Бу сифат тавсифларининг барчасининг асосида метрологик таъминот ётади. Метрологик таъминот ўлчашлар бирлигини таъминлаш ва талаб этилган аниқликка эришиш учун зарур бўлган техникавий воситалар, тартиб ва қоидаларнинг, меъёрларнинг, илмий ва ташкилий асосларнинг белгиланиши ва тадбиқ этилиши билан таърифлаш мумкин. Тавсифдан келиб чиқиб айтиш жоизки ўлчаш воситаларининг ишга яроқлилигини ташкил этиш, таъминлаш ва тадбиқ этиш, ўлчашларни амалга ошириш, унинг натижаларини қайта ишлаш ва тавсия этиш борасидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, ўлчаш воситаларининг давлат синовлари амалга ошириш, ўлчаш воситаларининг ва услубларининг метрологик аттестациясидан ўтказиш метрологик таъминотнинг вазифасига мисол бўла олади [5].

Метрологик таъминотнинг тўртта ташкил этувчиси мавжуд. Биринчи “**илмий асоси**” метрология ўлчашлар ҳақидаги фан. Иккинчи “**техникавий асослари**” катталиклар бирлигининг давлат эталонлари, каталиклар бирлигини эталонлардан ишчи воситаларга узатиш, ўлчаш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқишини йўлга қўйиш, ўлчаш воситаларининг мажбурий давлат синовлари ва уларни бажариш услубларининг метрологик аттестацияси, ўлчаш воситаларини ишлаб чиқища, таъмирлашда ва ишлатища мажбурий давлат қиёслашидан ўтказиш, модда ва материалларнинг таркиби ва хоссалари бўйича стандарт намуналарни яратиш, стандарт маълумотномалар, маҳсулотнинг мажбурий давлат синовлари. Учунчи “**ташкилий асоси**” давлат ва маҳкамалардаги метрологик хизматлардан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси метрология хизмати. Тўртинчи “**меъёрий-қонуний асослари**” тегишли Республика қонунлари, давлат стандартлари, давлат ва тармоқларнинг меъёрий ҳужжатларидан иборат.

Метрологик таъминот бу маҳсулот сифатини, ишлаб чиқариш ва уни автоматлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, деталлар ва агрегатларнинг ўзаро алмашувчанлигини таъминлаш, моддий бойликларнинг ва энергетик ресурсларининг ҳисобини олиб бориш ишончлилигини таъминлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, саломатликни сақлашдан иборат. Метрологик таъминот даражаси маҳсулотнинг сифатига бевосита таъсир қиласи. Бу таъсир самарадорлигини янада ошириш мақсадида метрологик профилактика ишларига

ва ишлаб чиқаришни тайёрлашдаги метрологик таъминот масалаларига алоҳида аҳамият берилади [6]. Бу эса ўз вақтида Республикаизда бозор муносабатларини янада чуқурроқ шаклланишига ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг экспорт имкониятини оширилишига муносиб замин яратади.

**Адабиётлар:**

1. Juraboevich B. N. Products in Manufacturing Enterprises the Essence of Quality Management //International Journal of Development and Public Policy. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 117-118.
2. O'g B. O. N. et al. THE ROLE OF QUALITY MANAGEMENT SYSTEM IN INCREASING PRODUCT QUALITY IN ENTERPRISES //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 228-233.
3. Крылова А.Н. Основы метрологии, стандартизации и сертификации. М.:Аудит, 1998, ЮНИТИ.
4. Бадалов Н. Ж., Бердимуродов Г. Т., Бадалов У. Н. СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИДА СИНОВ ВА ЎЛЧОВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ //Ижтимоий Фанларда Инновация онлайн илмий журнали. – 2022. – Т. 2. – №. 1. – С. 101-106.
5. Бадалов Н. Ж., Бадалов У. Н. КОРХОНАЛАРДА МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ //Academic research in modern science. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 38-45.
6. <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/413>.